



## Experience of countries with Anglo-Saxon legal systems in simplifying the pre-trial stage of proceedings

Murod BOTAYEV<sup>1</sup>

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

#### **Article history:**

Received December 2024  
Received in revised form  
15 December 2024  
Accepted 20 January 2025  
Available online  
25 February 2025

#### **Keywords:**

Plea bargaining,  
criminal procedural  
relations,  
Anglo-Saxon legal system,  
pre-trial proceedings,  
simplification, criminal law,  
international experience.

### ABSTRACT

This article is dedicated to the significance of the institution of simplified proceedings at the pre-trial stage in the Anglo-Saxon legal system and its role in simplifying criminal cases before trial. The article analyzes the origin, development, practical application, and legal nature of this institution in the United States and other countries with an Anglo-Saxon legal system. The possibilities of expediting the judicial process based on plea bargaining, imposing a more lenient sentence on the accused, and dismissing certain charges are also highlighted. The author discusses the importance of implementing this institution into Uzbekistan's criminal procedural system and developing proposals and recommendations based on international experience.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1-pp200-207>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Ишни судга қадар юритиш босқичини соддалаштиришга оид англо-саксон ҳуқуқ тизимига эга мамлакатлар тажрибаси

### АННОТАЦИЯ

#### **Калит сўзлар:**

Айбга иқрорлик ҳақида келишув,  
Жиноят-процессуал муносабатлар,  
Англо-саксон ҳуқуқ тизими,  
Судга қадар иш юритиш, соддалаштириш,  
жиноят ҳуқуқи,  
халқаро тажриба.

Мазкур мақола ишни судга қадар юритиш босқичида соддалаштирилган шаклда иш юритиш институтининг англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги аҳамияти ва унинг жиноят ишини судга қадар соддалаштиришдаги ролига бағишланган. Мақолада АҚШ ва бошқа англо-саксон ҳуқуқ тизимига эга мамлакатларда ушбу институтнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, амалдаги қўлланилиши ва ҳуқуқий табиати таҳлил қилинган. Шунингдек, “plea bargaining” (айбга иқрорлик ҳақида келишув) асосида суд

<sup>1</sup> PhD, Associate Professor, Department of Criminalistics and Forensic Examinations, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

жараёнининг тезлашиши, айбланувчига энгил жазо тайинлаш ва айбловнинг баъзи эпизодларидан воз кечиш имкониятлари ёритилган. Муаллиф мазкур институтнинг Ўзбекистондаги жиноят-процессуал тизимида имплементация қилишдаги муҳим аҳамияти, халқаро тажрибага асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш борасида фикр юритган.

## Упрощение досудебного производства на основе опыта стран с англо-саксонской правовой системой

### АННОТАЦИЯ

#### **Ключевые слова:**

соглашение о признании вины, уголовно-процессуальные отношения, англосаксонская правовая система, досудебное разбирательство, упрощение, уголовное право, международный опыт.

Данная статья посвящена значению института упрощённого производства на стадии досудебного разбирательства в англосаксонской правовой системе и его роли в упрощении уголовного дела до суда. В статье проанализированы происхождение, развитие, практическое применение и правовая природа данного института в США и других странах с англосаксонской правовой системой. Также освещены возможности ускорения судебного процесса на основе «plea bargaining» (соглашения о признании вины), назначения обвиняемому более мягкого наказания и отказа от некоторых эпизодов обвинения. Автор рассматривает важное значение внедрения данного института в уголовно-процессуальную систему Узбекистана, а также разработку предложений и рекомендаций на основе международного опыта.

Бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиб, барча куч ва воситалар уларни таъминлашга қаратилмоқда. Шу жумладан жиноят-процессуал муносабатларда иштирокчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноятдан жабр чеккан шахсларга етказилган зарарни қоплаш, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир мурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган тартибда қисқа вақтда ҳал этиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш объектив заруратга айланмоқда.

Шундай бўлсада, бугунги кунга қадар жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш жараёнида ортиқча қоғозбозликнинг мавжудлиги, муддатининг чўзилиб кетаётганлиги, фуқароларнинг бир иш юзасидан бир неча маротаба ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақирилиши натижасида уларнинг давлат органларига ёрдам бериш ҳаракатларининг ўрнига ўзларини четга олиш ҳолатларининг кузатилаётганлиги жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичини ўтказишни соддалаштириш билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш заъруратини вужудга келтирмоқда.

Бу эса ўз навбатида ишни судга қадар юритиш билан боғлиқ бўлган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни, уларнинг ижобий тажрибасини мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал нормаларининг шаклланишига ўз эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бир қанча ҳуқуқ оилалари ичида англо-саксон ҳуқуқ тизими ўзига ҳос аҳамият касб этади.

Ишни судга қадар юритиш босқичини соддалаштиришга оид англо-саксон ҳуқуқ тизимига эга мамлакатлар тажрибаси ўрганар эканмиз эътиборимизни “процессуал келишув институти” ўзига тортмай қолмайди. Мазкур институт аслида англо-саксон ҳуқуқ тизимида пайдо бўлганлиги, унинг ривожланиши ва ҳуқуқ тизимидаги шакллари ўрганишга қаратилган таҳлиллар эса ҳуқуқий табиатини кенгроқ очиб беради.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида айбига иқрорлик тарафлардан бирининг фуқаролик процессида даъвони тан олиши билан умумий жиҳатларга эга, яъни судланувчи айбига иқрор бўлиши тарафлар ўртасида низо мавжуд эмаслигини англатади, бу эса тарафлар тортишувида асосланган процессда далилларни тадқиқ қилиш ва суд тергови ўтказиш заруриятини истисно қилади. Сабаби айбланувчи айбига иқрор бўлса демак, айблов тарафи исботлаш мажбуриятидан озод қилинади ва суд автоматик тарзда жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишга ўтади. Айнан шу сабабдан келишув шакллари кенг қўллаш қонунчилиқда мустаҳкамланишидан анча аввал бошланган.

Дунёда мазкур институтнинг АҚШ тажрибаси “plea bargaining” номи билан машҳур бўлиб, ишни судга қадар юритиш босқичида прокурор айбловнинг баъзи эпизодларидан ёки квалификация қилувчи белгиларидан воз кечади, айбланувчи эса айбига иқрор бўлади, эвазига енгилроқ жазо олади. Айбга иқрорлик ҳақида келишув (plea bargaining) – бу қонун билан белгиланган шаклда, айбланувчи, унинг ҳимоячи ва айбловчи ўртасида тузиладиган келишув бўлиб, бунда айбланувчининг айбига иқрорлиги ҳисобига айбловчи уни оғирроқ жиноят содир этганликда айблаш ва иш ҳолатларини тўлиқ аниқлашдан воз кечади. Яъни келишув нафақат енгилроқ айблов балки далиллар етарли бўлмаган баъзи айбловлардан воз кечишни назарда туттади. Сабаби АҚШлик олим Эндрю Мануэль Креспо таъбири билан айтганда АҚШ одил судлов тизими келишувлар тизимидан иборат [1].

Бошқача айтганда ҳукм ишни кўриш натижаси эмас, тарафлар ўртасидаги келишувнинг натижаси бўлади. АҚШда келишув суд тизимининг ўзига хусусиятидан келиб чиққан бўлиб, маслаҳатчилар суди бир кунда фақатгина саноқли жиноят ишини мазмунан кўриш имконига эга бўлган. 1960 йилларда жиноят процессидаги ислоҳотлар натижасида ҳимоянинг ҳуқуқлари кенгайиб, ишни мазмунан кўриш янада қийинлашиб, процессларнинг давомийлиги янада узайишига олиб келган. Бу эса, ҳақиқатни аниқлашдан кўра, ижтимоий низони ҳал қилиш муҳимлиги ҳақида доктрина шаклланишига олиб келган. Бундан ташқари, АҚШ ва Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият томонидан давлат айбловчилари ва ҳимоячилари учун ажратиладиган маблағ миқдори қатъий чекланганлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Мазкур институт АҚШда XIX асрда пайдо бўлиб амалда қўлланиб келган бўлсада, Олий суд мазкур институтни Конституцияга мослигини

1971 йилда “Сантобелло Нью-Йоркка қарши” иши бўйича чиқарилган қарори билан “ҳаёт ҳуқуқий зарурияти” сифатида тан олган [2]. Америкалик ҳуқуқшунос Реймонд Моль маълумотларига кўра, 1839 йили Нью-Йорк штатида жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг 22 фоизб “айбни тан олиш ҳақидаги битимлар”нинг натижаси бўлган бўлса 1869 йили жиноят ишларининг 70 фоизи, 1920 йили жиноят ишларининг 80 фоизи айбни тан олиш ҳақидаги аризалар ёрдамида ҳал қилинган [3].

Бугунги кунда мазкур институт АҚШ жиноят-процессуал тизимининг рамзий белгиси ҳисобланиб, 90–97 фоиз ишлар мазкур асос билан кўриб чиқилади. Pew Research Center томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида 2023 йилда давлат айбловчилари томонидан 80 минг федерал айбловдан икки фоизи суд муҳокамасида кўриб чиқилган, АҚШ судлари томонидан келишувга асосан 97 фоиз ишлар кўриб чиқилган, штатлар даражасида ҳам мазкур кўрсаткич 94 фоиздан кам бўлмаган [4].

Натижада классик жиноят процесси жуда кам ҳолда учрайди ва охириги вақтларда мазкур тенденция танқид қилинмоқда. АҚШнинг бугунги кундаги жиноят процессида айбга иқдорлик ҳақида келишув, Округ судларида жиноят процесси федерал қоидаларининг (1997 йил) 11-бандида белгиланган барча жиноят-процессуал ҳаракатларни соддалаштиришга ҳаракат қилиш, ишларни кўришда холислик, асоссиз ҳаражат ва сансалорликларни бартараф қилиш ҳақида талабга асосланади [5].

АҚШда келишувнинг қуйидаги турлари ажратилади: *regularly guilty plea* (оддий шакл) Айблов ҳукми чиқади. Айбланувчи ҳукмга шикоят келтириш ҳуқуқини йўқотади, шунингдек фуқаролик тартибида берилган даъвони тан олади (процессуал хатолардан ташқари) *no contendere plea* ёки *no contest plea* (“иқдор эмасман лекин розиман”). Айбига иқдор бўлмайди, лекин жазога розилиги айбига иқдорликка тенглаштирилади. Шикоят бериш шу жумладан фуқаровий даъво бўйича низолашиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Демак АҚШ жиноят процессида айбга иқдорлик ҳақида келишувни (*plea bargaining*) – бир тарафдан айбланувчи ва ҳимоячи иккинчи тарафдан айблов тарафнинг ишни ҳал қилиш юзасидан шартнома тузиши деб таърифлаш мумкин.

Баъзида бундай келишув айбланувчи аслида содир этган жиноятдан оғирроқ жиноятни содир этганлигига иқдор бўлиши, эвазига давлат айбловини амалда содир этилган қилмиш учун, иш судда кўрилган тақдирда тайинланиши мумкин бўлган жазодан ҳам енгилроқ жазо тайинланишини назарда тутиши мумкин.

Айбланувчининг айбига иқдорлиги одатда иш юритишни соддалашишига сабаб бўлади:

- дастлабки суд муҳокамаси мажбурий босқич бўлмайди;
- келишув тузиш билан айбланувчи присяжныйлар судига бўлган ҳуқуқдан воз кечади;
- келишув айбланувчининг айблилига доир низони бартараф этади;
- судда далиллар деярли текширилмайди;
- агар айбланувчи келишувдан воз кечмаган ва бошқа жиддий тўсқинликлар бўлмаган тақдирда ишни кўриш айблов ҳукми чиқариш билан яқунланади.

АҚШда “айбни тан олиш ҳақидаги битим” кўпинча жиноят ишини дастлабки суд муҳокамасида кўриш босқичида учрайди [6]. Ўз-ўзидан, бундай келишув маслаҳатчиларнинг айблилик ҳақида вердикти вазифасини бажаради, амалда

тарафлар тортишуви принципи қўлланмаслиги бинобарин процесснинг якуни аввалдан аниқ бўлишини англатади. АҚШда кўпгина олимларнинг фикрича, айбга иқрорлик ҳақида келишувнинг энг заиф нуқтаси, жиноят қонунчилигининг чегараси ҳаддан ташқари кенглиги яъни ҳар қандай шахсга жиноий айблов қўйилиши мумкинлиги ва прокурорнинг келишув тузиш бўйича дискрецион ваколатларининг кенглиги билан боғлиқ [7].

Жавобгарликнинг миллий регистри 1989 йилдан буён судланганларнинг 20 фоиз аслида содир этмаган жинояти учун судланганлиги ҳақида маълумотлар келтиради [8]. Иқрорлик ҳақида келишувнинг асосий танқидга замин шундан иборатки, унинг асоси ҳимоя ва айблов томони ўртасида савдо ётади, жиноят ишлари бўйича одил судлов бир тарафга ўзининг процессуал ҳуқуқларини воз кечишни бошқа тарафнинг ён беришига имконини берувчи бозор тизими сифатида кўрилади. Бу кўпгина жиноят ишлари бўйича исботлаш сифатини пасайиши учун шароит яратади, чунки далилларни виждонан, холисона, тўлиқ ва ҳар томонлама йиғиш, текшириш ва баҳолаш зарурати йўқолади [9].

Кўпгина прокурорлар ҳимоя томони билан музокаралар давомида, ҳимояга ён бериш сифатида энг заиф асосланган бандлардан воз кечиш мақсадида даставвал айбланувчига имкон қадар максимал банд билан айблов эълон қилишади. Агар айбланувчиларнинг учдан бири катта хайат иштирокида тўлақонли суд муҳокамасини талаб қилса, АҚШ жиноят ишлари бўйича одил судлов тизими вайрон бўларди деган эди [10]. Шу сабабли келишув тартибида ҳал қилинадиган ишлар юзасидан далилларнинг сифатсизлиги ёки етарли эмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Биринчидан ҳаддан ташқари кўп дискрецион ваколат ўзбошимчалик ва тенгсизликка олиб келиши, ваколатнинг камлиги эса қонунни индивидуал қўллашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлиб, мазкур ҳолатда прокурорнинг дискрецион ваколатлари ишни мазмунан ҳал қилиш юзасидан суднинг ваколатига ҳам хавф бўлиши мумкин.

Иккинчидан, кўпгина йиллар мобайнида англосаксон ҳуқуқ тизимида келишувга қаратилган музокаралар олиб бориш тартибга солинмаган эди. АҚШда мазкур масала Жиноят суд ишларининг юритишнинг федерал нормаларининг 11-моддасида 1974 йилда қўшимчалар киритилиши билангина тартибга солинди. Бундан ташқари АҚШ Олий суди давлат органлари томонидан айбга иқрорлик ҳақида келишувга эришиш учун жисмоний зарар ёки руҳий мажбурлашдан ёки таҳдиддан фойдаланиш мумкин эмаслигини эътироф этган ҳолда айбланувчи томонидан эҳтимолий жазони баҳолаш мажбурлаш ҳисобланмаслигини қайд этган [11]. АҚШда прокурорнинг мазкур масалада ваколатларини суистеъмол қилиши мумкинлиги билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд.

Биринчидан прокурор айбланувчининг келишувга мажбурлаш мақсадида унинг айбини сунъий равишда оғирлаштириши, яъни айнан озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган айбловлар қўйиш билан унга руҳий таъсир ўтказиши. Яъни бунда айбланувчи ўзининг ихтиёри билан эмас, тайинланишини мумкин бўлган жазо таҳдиди остида келишув тузади. АҚШда келишувнинг индикатив ҳукм деб аталадиган шакли ҳам мавжуд. Яъни баъзи ҳолларда, прокурор ва ҳимоячи жиноят таркиби ва жазо чораси масаласида келишувга эриша олмайди. Масалан, прокурор айбланувчига 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши

зарур деб ҳисоблайди, адвокат 6 ой етарли деб ҳисоблайди. Ушбу масалани ҳар икки тараф билан муҳокама қилгандан сўнг суд, айбланувчи агар айбига иқроқ бўлса 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши ҳақида хабар беради. Шундан қилиб, айбланувчига 3 та вариантдан бирини танлаш имкони имкони берилади.

Биринчидан айбланувчи бирламчи айблов бўйича айбига иқроқ бўлиши мумкин. Иккинчидан айбланувчи содир этган қилмишига нисбатан енгилроқ қилмишни содир этганлигига иқроқ бўлиши мумкин. Учинчидан айбланувчи барча айбловларни рад қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Кўпгина штатларда, федерал прокурорлардан айбга иқроқлик ҳақида ёзма келишув тузиш талаб қилинади. Ҳар бир прокуратура идорасида бундай келишувни тузиш учун стандарт шакл мавжуд. Бироқ ҳар қандай ҳолатда суднинг бундай келишувни тайёрлаш ва тарафларни келишув тузиши учун таъсир ўтказиши таъқиқланади.

АҚШда прокурор ва адвокат келишувга эриша олмаган тақдирда, баъзи штатларда прокурор эътироз билдирган тақдирда ҳам айбланувчи иқроқлиги ҳақида ариза бериши мумкин. Бунда тарафларга суд олдида қарама-қаршиликнинг сабабини тушунтириб бериш таклиф қилинади. Шундан сўнг судья айбга иқроқликни қабул қилиши ёки қабул қилишни рад қилиши мумкин. Гарчи, келишувнинг оқибатлари юзасидан прокурорнинг мажбуриятлари аниқ белгиланмаган бўлсада, АҚШ адвокатлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган стандартларда “агар айбланувчи келишувни бажаришдан бўйин товламаса, асосли сабаблар бўлмаган тақдирда прокурор келишувни бажаришдан бош тортиши мумкин эмаслиги белгиланган”.

Келишув битимига эришилганидан сўнг тарафлар томонидан судга тақдим қилинади. Эътиборли жиҳати келишувда судланувчи айнан қайси конституциявий ҳуқуқларидан воз кечганлиги яъни айбсизлик презумпцияси, хайат томонидан суд қилиниши, давлат томонидан ҳимоячи билани таъминланиш ҳуқуқи, ўзига нисбатан гувоҳлик берган шахсларни сўроқ қилиш, ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилинмаслик, шунингдек шикоят қилиш ҳуқуқларидан воз кечганлиги, шунингдек эълон қилинадиган айблов мазмуни аниқ баён қилинади.

Суд фақатгина битимни тасдиқлаш мумкинлиги масаласини ҳал қилади. Суд ишларини юритишнинг федерал қоидаларига мувофиқ, айбга иқроқликнинг шартлари сифатида унинг ихтиёрийлиги, айбланувчининг унинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида етарли маълумотга эгаллигини текширади.

Ишни ҳал қилиш жараёнида суд “айбга иқроқлик масаласида суҳбат деб аталадиган” жараёнда судланувчига бир қанча саволлар беради. Тарафлар иштирокида очик суд мажлисида мазкур суҳбат ўтказилади, суд ҳозир бўлганларга судланувчига келишув бўйича берилган мажбурият ҳақида маълумот беради, суд унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ноқонуний ваъдалар берилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Суд судланувчига ҳукм тавсия қилинганидан кўра оғирроқ бўлса, айбга иқроқлик ҳақида аризасини қайтариб олиши мумкинлигини тушунтиради. Бироқ аризани қайтариб олишга фақатгина айбга иқроқлик ҳақида келишувда айбга иқроқлик ҳақида таклиф ҳукм юзасидан тавсиянинг қабул қилинишига боғлиқлиги белгилаб қўйилган ҳолдагина йўл қўйилади, шу сабабли аксарият ҳолларда аризани қайтариб олиш мумкин эмас.

Жазо тайинлаш юзасидан раҳбарий қоидалар судьяларга максимал жазони учдан бир қисмига енгиллаштириш ҳақида тавсия берган бўлсада [12] қонун судларга прокурор талаб қилганидан ҳам оғирроқ жазо тайинлаш ваколатини беради. Бироқ судлар келишилган жазо чорасидан оғирроқ жазо тайинламаслика ҳаракат қилишади, сабаби бу айбга иқрорлик ҳақида келишув тизимини издан чиқариши, унинг кадрсизланишига олиб келиши мумкин [13].

Келишув тузган айбланувчи фақатгина унинг ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги масаласида суд ҳукмига шикоят бериши мумкин. Бироқ, баъзи штатларда жазо миқдори юзасидан шикоят бериш ҳуқуқи кўзда тутилган. Масалан Нью-Йорк шаҳрида келишувда кўзда тутилганидан енгилроқ жазо тайинланса прокурор, оғирроқ жазо тайинланса айбланувчи келишувни бекор қилиш илтимоснома киритиши мумкин.

Бироқ айбга иқрорлик ҳақида келишув шахс учун бир қатор салбий оқибатлар келтириб чиқариши ҳам мумкин. Жумладан:

- шахс сайловда қатнашиш ҳуқуқини йўқотиши;
- ўқотар қурол олиб юриш ҳуқуқи чекланиши;
- давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ҳуқуқини йўқотиши;

- чет эл фуқаросини депортация қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

АҚШда мазкур институтнинг ўзига хос жиҳати:

- келишув иш юритишнинг ҳар қандай босқичида яъни суд ҳукмига қадар тузилиши мумкинлиги, хаттоки жазони ўташ вақтида ҳам келишув тузилиши мумкинлиги;

- келишув тузиладиган ишлар тоифаси аниқ белгиланмаганлиги яъни ҳар қандай иш юзасидан тузилиши мумкинлиги;

- адвокат иштирокининг мажбурий эмаслиги ҳисобланади.

Келишувнинг “Иммунитет ҳақида келишув” деб номланадиган бошқа бир шаклига кўра, жиноят содир этишган шахс “айбловнинг гувоҳига” айланади, яъни жиноий таъқиб доирасидан чиқарилади. Бироқ мазкур шахснинг айбдорлиги ҳақида далиллар тўпланган ҳолда келишув прокурор томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

Англияда умумлаштирилган иш юритилишига уч тоифадаги ишлар киради: 1) кам аҳамиятли (катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган); 2) қўшма жиноятлар, уларга нисбатан тарафларнинг истагига, ишнинг қийинлигига (оғирлигига) ва етказилган зарар миқдорига кўра, иш кўрилишининг альтернатив тартиби ўрнатилган; 3) бир қатор оғир жиноятлар, уларга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланган ёки жамият учун катта хавф туғдирмайди [14]. Англияда магистрат XV асрдан бошлаб кам аҳамиятли жиноятларни суммар тартибда тартибда кўриб чиқади. Хозирда магистратларга 6 ойдан кўпроқ қамоқ, 5000 фунт стерлингдан кўпроқ жарима (воёга етмаганларга 1000 фунт стерлинг) тайинлаш тақиқланган. 1980 йилдаги Магистрат судлари тўғрисида қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, Англияда сиртдан иш кўрилишига ҳам йўл қўйилади. Яъни 3 ойдан кўп бўлмаган муддатга қамоқ жазоси кўзда тутилган ишлар бўйича айбланувчи айбловнинг бандлари кўрсатилган судга чақириш ҳақида буйруқни олиб, айбига иқрорлиги ҳақида судга почта орқали хабарнома бериши ишни сиртдан кўриб чиқиш учун асос бўлади. Сиртдан судланган шахслар қарор билан танишгандан сўнг 21 кун давомида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлиб, шикоят берилиши сиртдан иш юритиш тўхтатилишига олиб келади.

Ҳиндистонда ҳам айбга иқрорлик ҳақида келишув прокурорнинг ҳукм чиқаришни кечиктириш ёки ҳукм ижросини кечиктиришга розилигини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Баъзи штатларда суд айбга иқрорлик қабул қилиб, суд муҳокамасини бир йилдан беш йилгача кечиктириши мумкин. Бундай ҳолларда белгиланган синов муддати тугаганидан сўнг айблов олиб ташланиши ва шахс судланмаган деб ҳисобланиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Andrew M.K. The hidden law of plea bargaining/ Andrew M.K. // Columbia law review Vol. 118:1303.
2. Abraham, Henry J. The Judicial Process: An Introductory Analysis of the Courts of the United States, England and France. 6th ed. New York: Oxford University Press, 1993. XVI. – P. 177.
3. Raymond Moley. Politics and Criminal Prosecution. Minton, Baleh (1929), P. 164
4. Clark Neily. Prisons are packed because prosecutors are coercing plea deals. And, yes, it's totally legal. <https://www.nbcnews.com/think/opinion/prisons-are-packed-because-prosecutors-are-coercing-plea-deals-yes-ncna1034201>
5. Федеральные правила уголовного процесса в окружных судах США (1997 г.) <https://constitutions.ru>
6. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г. З. Жиноят процесси муаммолари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. 207-бет
7. Kenneth Culp Davis, Discretionary Justice: A Preliminary Inquiry. supra note 4, at 52.
8. <https://www.law.umich.edu/special/exoneration/Pages/Guilty-Pleas.aspx>
9. Качалова О.В. Ускоренное производство в российском уголовном процессе: дис. д-ра юрид. наук. М., 2016. С. 116.
10. Бернэм У. Правовая система США / науч. ред. В.А. Власихин. – М., 2006. – С. 467.
11. Bradley v. United States, 410 U.S. 605 (1973)
12. Turner J. Judicial Participation in Plea negotiations: A Comparative View, 54 AM.J. COMP. 2006. – P. 199-205.
13. Корчаго Е.В. Plea Bargaining – институт добросовестных правоприменителей // Уголовное судопроизводство. 2017. № 3. С. 34.
14. Калиновский К.Б., Файзиев Ш.Ф. Хорижий мамлакатлар жиноят процесси. ю.ф.д. проф. М.Ҳ.Рустамбоевнинг таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. -10 б.